

Гулистон шаҳар Давлат хизматлари
маркази томонидан

2019 йил «14» август да
752407 -сөн реестр
рақами билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«SIRDARYO VILOYATI KICHIK
SANOAT ZONALARINI BOSHQARISH
DIREKTSIYASI» давлат муассасаси
муассиснинг 2019 йил 22 июндаги
164-сон қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



«SIRDARYO VILOYATI KICHIK SANOAT ZONALARINI
BOSHQARISH DIREKTSIYASI»

DAVLAT MUASSASASINING

НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сонли қарори билан тасдиқланган “Кичик саноат зоналари тўғрисида”ги низом асосида ишлаб чиқилган.

1.1. «SIRDARYO VILOYATI KICHIK SANOAT ZONALARINI BOSHQARISH DIREKTSIYASI» davlat muassasasi (кейинги ўринларда «дирекция» деб юритилади) шаклидаги ташкилоти ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4363-сонли ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимининг 2019 йил 22 июндаги 164-сонли қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

1.2. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штампларга ва бланкаларга, товар белгиларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга.

1.3. Дирекциянинг расмий тўлиқ ва қисқартирилган номи:

давлат тилида: «SIRDARYO VILOYATI KICHIK SANOAT ZONALARINI BOSHQARISH DIREKTSIYASI» davlat muassasasi, қисқача номи «SIRDARYO KSZ DIREKTSIYASI» DM,

рус тилида: государственное учреждения «SIRDARYO VILOYATI KICHIK SANOAT ZONALARINI BOSHQARISH DIREKTSIYASI», қисқача номи ГУ «SIRDARYO KSZ DIREKTSIYASI».

1.4. Дирекция жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, С.Алимов кўчаси 20-уй.

1.5. Дирекциянинг муассиси: Сирдарё вилояти ҳокимлиги (кейинги ўринларда «муассис» деб юритилади).

1.6. Муассис жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, И.Каримов кўчаси 60-уй (СТИР 201 980 453).

1.7. Дирекция қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

1.8. Дирекция муассиснинг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган тижорат ташкилотларида, шунингдек нотижорат ташкилотларда қатнашчи (аъзо) бўлиши мумкин.

1.9. Дирекция бошқа давлат дирекциясининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

II. ДИРЕКЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Сирдарё вилояти кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси (кейинги ўринларда “Дирекция” деб аталади) фаолиятини, шу жумладан КСЗларни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, КСЗлар ҳудудида алоҳида ҳуқуқӣ режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек КСЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти аъзоларига (кейинги ўринларда “КСЗ аъзолари” деб

аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу низомда назарда тутилган бошқа ишлар ва хизматларни бажаришдан фойда олиш Дирекция фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

2.2. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

КСЗ аъзоларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

Белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан Сирдарё вилоят эркин иктисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда “Маъмурий кенгаш” деб аталади) қарорларига мувофиқ КСЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисида битимлар тузиш, КСЗ аъзолари билан фаолият кўрсатмай турган ташкилотларни ва давлат мулки бўлган мол-мулкни ижарага бериш бўйича коэффицентларни қўлламаган ҳолда ижара шартномалари тузиш;

Белгиланган тартибда вилоят Маъмурий кенгаши томонидан тасдиқланган Ишчи гуруҳи билан биргаликда КСЗ аъзолари томонидан лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш;

III. ДИРЕКЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

3.1. Дирекция ўз фаолиятида қонун талабларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3.2. Дирекция Муассисга ҳамда Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

3.3. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

дирекция фаолиятининг мақсадлари, предмети ва турларини белгилаш;

дирекция низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

дирекцияни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

дирекциянинг ортқича, фойдаланилмаётган ёхуд бошқа мақсадда фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ва уни тасарруф этиш;

дирекцияга берилган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

дирекция мол-мулки билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш.

3.4. Муассис қуйидагиларга мажбур:

дирекция директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиш;

дирекция давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида дирекциянинг устав фондини унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

дирекциянинг ижро этувчи органига мулкни тасарруф этиш учун рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда келишиш;

дирекцияга берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. ДИРЕКЦИЯ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

4.1. Дирекциянинг устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга муассис томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активлар жамини ифодалайди.

4.2. Дирекция устав фондининг миқдори 250.000.000 (икки юз эллик миллион) сўмни ташкил этади.

4.3. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда, муассиснинг қарори бўйича амалга оширилади.

V. ДИРЕКЦИЯНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ

5.1. Тезкор бошқариш ҳуқуқи билан муассис томонидан дирекцияга бириктирилган мулк, асосий фондлар ва айланма маблағлар дирекциянинг мол-мулкни ташкил этади.

5.2. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмасдир ва улушлар (улушлар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

5.3. Муассис дирекцияга берилган давлат мулкнинг ўз вазифасига кўра фойдаланилиши ва сақланиши, шунингдек ўзгага берилиши устидан назорат қилади.

5.4. Дирекция мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда директор томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги Дирекцияга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни дирекция фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъий назар, давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақсимланади.

VI. ДАРОМАДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

6.1. Дирекция даромади:

Хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

Давлат мулки бўлган ва КСЗ ҳудудида жойлашган бино-иншоотлар ва ер майдонларини қонунчиликда белгиланган тартибда ижарага беришдан олинган даромадлар;

• Дирекция смета харажатлари асосида маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

КСЗ аъзолари томонидан (улар билан келишилган шартномаларга мувофик) ишга туширилган лойихалар асосида ҳисобот ойларидаги товар айланмаси ажратмалари маблағларидан;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

VII. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Барча солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган соф фойда дирекция тасарруфида қолади ва дирекция директорининг қарори бўйича фойдаланилади.

7.2. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида келиб чиққан зарарларни қоплаш ушбу мақсадларда ташкил этилган захира жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

VIII. ЗАХИРА ЖАМҒАРМАСИ ВА БОШҚА ЖАМҒАРМАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира жамғармасини, шунингдек миқдори ва шакллантириш тартиби муассис томонидан тасдиқланадиган бошқа жамғармаларни ташкил этиши мумкин.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси ва бепул олинган мол-мулк қиймати ҳам захира жамғармасини тўлдиришга йўналтирилади.

8.2. Дирекция устав фондининг 15% миқдоридан захира фонди шакллантиради.

IX . ДИРЕКЦИЯ ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш директор томонидан амалга оширилади.

9.2. Дирекция директори:
яккабошчилик қиладиган ижро этувчи органи раҳбари ҳисобланади;
дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, мамлакатимиз ва хорижнинг барча корхоналари, фирмалари ва ташкилотларида унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қиладди, улар билан меҳнат шартномалари тузади, уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;
кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

смета харажатларини, штат жадвалини Маъмурий кенгаш билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

дирекцияга берилган мол-мулкни ижарага беришдан олинган фойда ҳисобидан ишчи ходимларни ишга қабул қиладди;

дирекцияга берилган мол-мулкни ижара беришдан олинган фойда ҳисобидан дирекция ходимларига бир йилда бир мартаба бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам ва йил давомида икки ойлик иш ҳақи миқдорида моддий рағбатлантириш беради;

дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

дирекциянинг ички тартиб-қоидаси ва хўжалик фаолиятини тартибга соладиган ҳужжатларни тасдиқлайди;

дирекциянинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

9.3. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда дирекция манфаатларини кўзлаб иш кўради.

9.4. Директор бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўлов ўз вақтида тўланиши, иш ҳақи тўланиши, меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар ва уларга тенглаштирилган тўловлар кондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилиши, ўзининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан дирекцияга етказилган зарар, шу жумладан, дирекцияга берилган давлат мулки йўқотилган ҳолат учун ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

X. ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

10.1. Дирекция ҳисобот даври тамом бўлгандан кейин рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлаш учун белгиланган тартибда берилиши учун жавоб беради.

10.2. Хўжалик юритувчи субъект сифатида дирекция фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

XI. ДИРЕКЦИЯНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Дирекциянинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда муассис дирекциянинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

11.2. Дирекция муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

XII. ДИРЕКЦИЯ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

12.1. Дирекция муассис билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам унинг ташқарисида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

12.2. Дирекциянинг филиаллари ва ваколатхоналари дирекция томонидан тасдиқланган низом асосида дирекция номидан иш кўради.

12.3. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган ваколатхоналар ва филиаллар дирекция томонидан тасдиқланган низом асосида ва ўзлари жойлашган мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ иш кўрадилар.


ХIII. ДИРЕКЦИЯНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

13.1. Дирекция конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муассиснинг қарори бўйича ёки суднинг қарори бўйича тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

13.2. Дирекциянинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмасдан дирекция фаолияти тўхтатилишига олиб келади, қайта ташкил этишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Дирекция муассиси:




(Ф.И.О. имзо)

Сирдарё вилоят ҳокимлиги.